

Қуйидаги давлат мулки хусусийлаштирилмайди:

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасидаги ер (бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно), ер ости бойликлари, шунингдек сув омборлари, шу жумладан қор ва сел натижасида тўпланган сув омборлари, сув ҳўжалигининг йирик ва ўта муҳим объектлари, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

моддий маданий мерос объектлари, архив ҳужжатлари, давлат музейлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, шу жумладан хиёбонлар ва ботаника боғлари;

пул белгиларини, қимматли қоғозларни, орденларни, медалларни ҳамда почта маркаларини ишлаб чиқаришни таъминловчи корхоналар ва ташкилотлар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиянинг, Ички ишлар вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг корхоналари, муассасалари, шунингдек ҳарбий техникавий мулки (саноатда утилизация қилингунига қадар ёки саноатда утилизация қилинмайдиган мулки);

ионловчи нуруланиш манбаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб боровчи, рентген усқуналари, асбоб-усқуналар ва жихозларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

радиоактив элементларни қавлаб олишни, ишлаб чиқаришни, транспортда ташишни, қайта ишлашни, радиоактив чиқиндиларни кўмишни, уран ва бошқа бўлинувчи материалларни, шунингдек улардан ясалган буюмларни реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

қурол-яроғ ва ўқ-дориларни, химоя воситаларини, ҳарбий техникани, улар учун эҳтиёт қисмларни, бутловчи қисмларни ҳамда асбоб-усқуналарни, пиротехника буюмларини, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материалларни ва усқуналарни ишлаб чиқишни, ишлаб чиқаришни, таъмирлашни ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар;

кучли таъсир этувчи заҳарларни, гиёҳвандлик моддаларини ва заҳарли моддаларни ишлаб чиқарувчи, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар бўлган экинларни экишни, етиштиришни ҳамда қайта ишлашни амалга оширувчи корхоналар;

Ўзбекистон Республикасининг давлат захиралари, фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик мақсадидаги объектлар ва мулк;

ядровий қурилмалар, сақлаш пунктлари (ядровий материалларни, ядровий реакторларнинг иссиқлик ўтказмайдиган тўпламларини, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғини сақлаш пунктлари), ядровий ёқилғи, ядровий реакторларнинг иссиқлик ўтказмайдиган тўпламлари, ишлатиб бўлинган

ядровий ёқилғи, ядровий материаллар (табиий уран, уран-235 изотопи билан бойитилган барча шаклдаги уран, уран-233 изотопи, плутоний, америций, калифорний элементларининг барча изотоплари, Np-237 изотопи ва таркибида барча санаб ўтилган изотоплар бўлган аралашмалар);

портлаш хавфи бўлган ва заҳарли моддаларни транспортда ташишни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари;

санитария-эпидемиология станциялари, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази, атроф-муҳит ҳолатини назорат қилиш ва табиатни муҳофаза қилиш хизматлари;

махсус вазифаларни бажарувчи корхоналар (Республика махсус алоқа узели, 15361 рақамли ҳарбий қисм, Электромагнит мослашув маркази);

дафн этиш жойлари.